

Шайх Али Муҳйиддин Қорадоғий ҳафизаҳуллоҳ Тошкент ислом институтига ташриф буюрдилар



14:06 / 25.11.2023 696

Бутунжаҳон мусулмон уламолари кенгашининг Бош котиби, фақиҳ, олим, доктор, шайх Али Муҳйиддин Қорадоғий ҳафизаҳуллоҳ Тошкент ислом институтига ташриф буюрдилар.

Али Муҳйиддин Қорадоғий 1949 йилда Ироқнинг Қорадоғ шаҳрида туғилган. 1975 йилда Бағдод Ислам институтини, 1980 йилда Қоҳирадаги Азҳар университетини тамомлаган. 1985 йилда Азҳар университетидеда Шариат ва қонун йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини, 1995 йилда профессор унвонини олган.

Ҳозирда Бутунжаҳон мусулмон уламолар кенгашининг Бош котиби лавозимида фаолият кўрсатмоқда.